
ПРЕЗИДЕНТ ТАБРИГИНИ ТИНГЛАБ...

Бугун Бувайда тумани тиббиёт бирлашмасида касаба уюшма қўмитасининг 31 та бошланғич ташкилотлари касаба уюшма раислари иштирокида йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг 8- қурултойи иштирокчиларига йўллаган табриги ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси раисининг маърузаси ўқиб эшиттирилди.

Президент табригида сўнгги йилларда мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида касаба уюшмаларининг ўрни ва нуфузи ошиб бораётгани, касаба уюшмаларининг том маънода жамоат ташкилотига айланиб улгургани ва бунда касаба уюшмаси фаоллари ва аъзоларининг катта ўрни борлиги таъкидланди.

Шунингдек, Президент Шавкат Мирзиёев 11 ноябрни касаба уюшмалари куни деб эълон қилгани йиғилганларга мамнуният билан етказилди.

Президент эътирофидан хабардор бўлган бошланғич ташкилотлар касаба уюшмалари раислари ўз аъзолари ва фаоли ҳаётини янада мазмунли ўтиши учун беминнат хизмат қилажакларини билдирдилар.

Бувайда тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2020-11-20 11:31:40